

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc 27.06.2019.1.17.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ШАРИПОВ ФАРХОД ҒОЙИБОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТАШҚИ САВДОНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА СОЛИҚ  
СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит”**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси (русча)

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси (инглизча)

**Шарипов Фарход Ғойибович**

Ўзбекистонда ташқи савдони тартибга солишда солиқ сиёсатини  
такомиллаштириш.....3

**Шарипов Фарход Гайибович**

Совершенствование налоговой политики в регулировании внешней торговли в  
Узбекистане.....35

**Sharipov Farkhad**

Improving Tax Policy in the Regulation of Foreign Trade in  
Uzbekistan..... 66

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....70

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc 27.06.2019.1.17.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ШАРИПОВ ФАРХОД ҒОЙИБОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТАШҚИ САВДОНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА СОЛИҚ  
СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит”**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАҢЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1DSc/iqt131 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www/tfi/uz](http://www/tfi/uz)) ва “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Жўраев Абдуғаффор Сафарович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Олимжонов Одил Олимович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор  
**Тошматов Шухрат Амонович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор  
**Худайкулов Садриддин Каримович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси**  
**иқтисодиёт ва саноат вазирлиги**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини берувчи DSc.27.06.2017.1.17.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60 А-уй, тел: (99871) 234-53-34, факс (99871) 234-46-26, e-mail:admin@tfi.uz

Фан доктори (DSc) диссертацияси билан Тошкент молия институти ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60 А-уй, тел: (99871) 234-53-34.

Диссертация автореферати 2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**И.Н. Қузиёв**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
раиси, и.ф.д., профессор

**С.У. Меҳмонов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
котиби, и.ф.д., профессор

**Ж.И. Каримкулов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.н.,  
доцент

### **КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон мамлакатлари иқтисодиётининг интеграциялашуви шароитида, ташқи савдо фаолиятини ривожланишини солиқлар орқали давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш механизмини янада такомиллаштириш ҳозирги вақтда долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда ташқи савдони тартибга солишда мамлакатлар ўзларининг ички манфаатларидан келиб чиқиб солиқлар ва божлар орқали тартибга солиш воситаларидан фойдаланиб келмоқдалар. Иқтисодий таррақий этган мамлакатлар, хусусан, “АҚШ, Европа Иттифоқи, Япония, шунингдек, жадал ривожланиб бораётган Хитой, Жанубий Корея ва бошқа кўплаб давлатлар”<sup>1</sup> тажрибаси кўрсатадики, ташқи савдо фаолиятини тартибга солишда халқаро ҳисоб китоб амалиётида қўлланилаётган тажрибалардан миллий иқтисодиётда самарали фойдаланиш долзарбдир.

Жаҳоннинг етакчи халқаро молия институтлари, илмий тадқиқот марказлари ва ривожланган давлатларда экспорт-импорт операцияларини солиқлар орқали тартибга солиш механизмларини назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш борасида илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу тадқиқотлар натижасида ташқи савдо фаолияти субъектларининг солиққа тортиш механизми, молия-хўжалик фаолиятига солиқлар таъсирини ўрганиш, баҳолаш, прогнозлаштириш услуги масалалари такомиллаштирилган. Аммо, жаҳон мамлакатларида солиқлар орқали ташқи савдо фаолиятини тартибга солиш турли даражада бўлганлиги сабабли ҳозирги вақтда халқаро даражада эришилган натижаларни тўлиқ жорий этилмай қолишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистонда жадал амалга оширилаётган иқтисодий, шу жумладан ташқи савдо фаолиятини тартибга солишга қаратилган ислохотларни натижасида, ҳозирги кунда импортнинг ўрнини қоплаш ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш дастури амалга оширилмоқда. Солиқлар орқали тадбиркорлик субъектларига қулай солиқ муҳити яратилиши таъминланди. Ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш учун хорижий сармояларни устувор йўналишларга жадалроқ жалб қилишга, уларга кафолат ва имтиёзлар беришга, лицензиялар, “Ноу-хоу”лар сотиб олишга, валюта тушумларини кўпайтиришга қаратилган изчил сиёсат олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда ташқи савдони жадал ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, “Келгуси йили экспорт ҳажмини 30 фоизга ошириб, 18 миллиард долларга етказишни мақсад қилиб қўймоқдамиз”<sup>2</sup>. Биз

<sup>1</sup> Манба: <http://www.wto.org>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожатномаси. 2018 йил 29 декабрь.

экспортга йўналтирилган иқтисодиётга ўтишимиз, ички бозорда рақобат муҳитини шакллантиришимиз зарур. Шунингдек, транспорт тизимини такомиллаштириш ҳам энг долзарб масаладир. Чунки, денгизга чиқиш имкониятимиз чекланганлиги учун маҳсулотни экспорт қилишда кўплаб қийинчиликлар пайдо бўлмоқда. Шу билан биргаликда, солиқ юкини изчиллик билан камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш муҳимлигини кўрсатиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 12 январдаги ПФ-4931-сон “Эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятини кенгайтириш ва жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2016 йил 23 декабрдаги ПҚ-2697-сон “2017 йил учун Ўзбекистон Республикаси Инвестицион дастури тўғрисида”ги, 2015 йил 6 мартдаги ПҚ-4707-сон “2005-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, тузилмавий ўзгаришларни таъминлаш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги, 2014 йил 7 апрелдаги ПҚ-4609-сон “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июнаги ПФ-3818 сонли “Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона тариф жиҳатидан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси республикамизда амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ишларининг устувор йўналишларига мос келиши билан бирга инвестицион салоҳиятни ривожлантиришнинг илмий-методологик асосларини такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.**<sup>3</sup>

Ташқи савдони солиққа тортиш механизмининг такомиллаштириш орқали иқтисодий ўсишга таъсир этиш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи университетлари ва илмий марказлари, жумладан, Жаҳон банки (World Bank), Иқтисодий ва бизнес тадқиқотлари маркази ((The center for economic and business research (CEBR), АҚШ), Иқтисодий тадқиқотлар миллий бюроси (National Bureau of Economic Research, АҚШ), Фискал тадқиқотлар институти (Institute for Fiscal Studies, Буюк Британия), Эксетер университети (University

<sup>3</sup> <http://www.worldbank.org/> - Жаҳон банки расмий сайти. <https://cebr.com/> - Иқтисодий ва бизнес тадқиқотлари маркази расмий сайти. <http://www.nber.org/> - Иқтисодий тадқиқотлар миллий бюроси расмий сайти. [www.ifs.org.uk](http://www.ifs.org.uk) - Фискал тадқиқотлар институти расмий сайти. <http://www.exeter.ac.uk/> - Эксетер университети расмий сайти. [www.ox.ac.uk](http://www.ox.ac.uk) - Оксфорд университети расмий сайти. [www.harvard.edu](http://www.harvard.edu) - Гарвард университети расмий сайти. [www.uchicago.edu](http://www.uchicago.edu) - Чикаго университети расмий сайти. [www.uv.es](http://www.uv.es) - Валенсия университети расмий сайти. [www.ucalgary.ca](http://www.ucalgary.ca) - Калгари университети расмий сайти. [www.universityofcalifornia.edu](http://www.universityofcalifornia.edu) - Калифорния университети расмий сайти. [www.stanford.edu](http://www.stanford.edu) - Стэнфорд университети расмий сайти. <http://www.fu.ru> - Россия Федерацияси ҳукумати ҳузуридаги Молия университети расмий сайти.

of Exeter, Буюк Британия), Оксфорд университети (Oxford University, Буюк Британия), Гарвард университети (Harvard University, АҚШ), Чикаго университети (University of Chicago, АҚШ), Валенсия университети (Universitat de Valencia, Испания), Калгари университети (University of Calgary, Канада), Калифорния университети (University of California, АҚШ), Стэнфорд университети (Stanford University, АҚШ), Россия Федерацияси ҳукумати ҳузуридаги молия университетида (Финансовый университет при правительстве Российской Федерации, Россия) тадқиқотлар олиб борилган.

Ташқи савдони солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш ҳамда уларнинг мамлакат иқтисодий ўсиш кўрсаткичларидаги улушини оширишга эришиш юзасидан жаҳонда бир қатор илмий тадқиқотлар натижасида экспортга йўналтирилган кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини айнан солиқлар орқали қўллаб-қувватлаш натижасида иқтисодий самарадорлик даражаси ошиши услубиёти яратилган (University of Chicago, АҚШ); кичик тадбиркорлик субъектларига нисбатан солиқларнинг оширилишининг бандлик ва иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига таъсири юқори эканлиги самарадорлиги аниқланган (The center for economic and business research, АҚШ); МЕТР (самарали солиқ ставкасининг қуйи даражаси)ни амалиётга жорий этишнинг самарали солиқ ставкасини такомиллаштиришга қаратилган механизми ишлаб чиқилган (University of Calgary, Канада); иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига бевосита таъсир кўрсатувчи солиқларнинг таркибий тузилмаси, “солиқлар ва иқтисодий ўсиш” шкаласи ишлаб чиқилган (Institute for Fiscal Studies and University of Exeter, Буюк Британия); ЯИМга нисбатан солиқ юқининг 1 фоизга оширилиши натижасида келгуси икки йил давомида реал ЯИМ ҳажмининг 3 фоизга камайиши меъёрлари ишлаб чиқилган (University of California, АҚШ); кичик корхоналарда солиқларни режалаштириш натижасида эришиладиган қўшимча фойда кўрсаткичи юқорилиги ишлаб чиқилган (Stanford University, АҚШ).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида ташқи савдони солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришга доир қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, хусусан: солиқ юки даражасини оптималлаштириш ва ҳисоблаш методикасини такомиллаштириш; ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг молиявий-хўжалик фаолиятига солиқлар таъсирини баҳолаш; солиқ менежменти тадбирларини амалга ошириш орқали солиқ юки даражасини камайтириш; оптимал солиқ ставкасини белгилаш масалаларини киритиш мумкин.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Солиқ тизими ва сиёсатини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари, шу жумладан, экспорт-импорт операцияларини солиққа тортишнинг айрим масалалари қатор хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган. Диссертация мавзуси бўйича илмий изланишлар олиб борган хорижлик иқтисодчи-олимлардан А.Смит, Кейнс Дж.М., Миль Дж.С., Нуреев Р.

Фомичев В. Жонг Вонг Ли, Н. Дмитриева, И.Караваева, В.Дадалко, В.Пушкарева, Д. Черник, Т.Юткинани<sup>4</sup> кўрсатиш мумкин.

Мамлакатимиз олимларидан Р.Турапов, И.Асқаров, Ў.Комилов, Н.Сирожиддинова, Д.Хайдарова, Н.Отажонов, М.Альмардонов, А.Ваҳобов, А.Жўраев, М.Камилов, Т.Маликов, Ш.Тошматов, Б.Тошмуродова, С.Ширинов, Қ.Яхёев, Н.Хайдаровлар Н.Кўзиева<sup>5</sup> экспорт-импорт операцияларини солиққа тортишга оид илмий изланишлар олиб борганлар. Жумладан, С.Ширинов ўз тадқиқотларида хўжалик субъектларининг халқаро ҳисоб-китобларини, М.Камилов қўшилган қиймат солиғининг маҳсулот ишлаб чиқариш ва импорт операцияларида ҳисобланиши ва ундирилишига доир масалаларни, Т.Маликов солиқ юкига таъсир этувчи омиллар, хусусан, солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш масалаларини, Н. Кўзиева хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмини тадқиқ этилган.

Шу билан бир қаторда, республикаимиз иқтисодчилари томонидан экспорт-импорт операцияларини солиққа тортиш орқали ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солишга бағишланган яхлит, комплекс тарзда илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмаган. Бу ўз навбатида, экспорт-импорт операцияларини солиққа тортиш механизмининг назарий ва амалий жиҳатларини чуқур тадқиқ этишни, унинг амалдаги механизмини давр талабига мос равишда янада такомиллаштириб боришни тақозо этмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари” мавзусидаги стратегик йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** экспорт-импорт операцияларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

<sup>4</sup> Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Москва.ЭКСМО.2009. 186 с. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег//Антология экономической классики. В 2-х томах-Москва.1992. Миль Дж.М. Основы политической экономии. В 3-х томах. Москва. Прогресс.1980. Б.112. Нуреев Р.М. Критика базовых предпосылок современных макроэкономических теорий. Москва. Институт экономики РАН.2014. с.4-10. Фомичев В.И. Международная торговля. Учебник. 3-издания, пререраб. и доп. М. Инфра.2001. с.314. Жонг Вонг Ли. Успехи и неудачи экономики Кореи и её пересективк. Уроки развивающегося государства. Тошкент. 2006. с.74. Дмитриева Н.И. Глобал макроиктисодий мухитта ташки савдо муносабатларининг давлат томонидан тартибга солиниши. Автореферат. Диссертация иқтисод фанлари номзоди. М.2000. Караева И.В. Налоговое регулирование рыночной экономики: Учебное пособие для вузов. М.ЮНИТИ-ДАНА.2000 с. 215. Дадалко В.А. Налогообложение в системе международных экономических отношений: Учеб. Пособие/ В.А. Дадалко, Е.Е. Румянцева, Н.Н. Демчук. Минск. Армита-Маркетинг, Менеджмент.2000. с.23. Пушкарева В.М. История финансовой мысли и политики налогов. М. Финансы и статистика. 2003. с.256. Черник Д.Г. Налоги. 4-издание. М. Финансы и статистика.2000. с.430. Юткина Т.Ф. Налоги и налогообложение. Учебник. 2-е издание пререраб. И доп. М. Инфра-М. 2002. с.576.

<sup>5</sup> Турапов Р. Ўзбекистон Республикасида божхона фаолияти самардорлигини ошириш услубияти, ҳолати, асосий йўналишлари. Тошкент. Ўзбекистон.2006. Асқаров Н.И.Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо ва божхона соҳаларининг уйғун бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш. Докторлик диссертацияси. Т.2016. Комилов Ў.Т. Шорахмедов Ш.Ш. Асқаров И.Р. Комилов М.М. Божхона тизимида бошқарув асослари. Тошкент ФТДК.ДИТАФ-202.6.147. Сирожиддинова Н. О переходе к экспортоориентированной стратегии развития Узбекистана. Теоретика методологические аспекты. Ташкент. УМЭД.2004. Хайдарова д. Экономическая безопасность Узбекистана в контексте развития внешней торговли. Ташкент.2008. ва бошқалар. Отажонов Н.М. Бозор иқтисодиётига ўттиш шароитида Ўзбекистон ташқи савдоси ва унинг самардорлигини ошириш йўллари. Тошкент.2003. Алимардонов М. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга солиқ тизимини таъсири. Тошкент. ТМИ.2003. 6.233. Ваҳобов А.Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги. Ўқув қўлланма. Тошкент. iqtisod-moliya. 2005. 6.283. Жўраев А., Мейлиев О.,Сафаров Ф. “Солиқ назарияси” Ўқув қўлланма. Тошкент. ТМИ.2004. 6.439. Камилов М. Қўшилган қиймат солиғини ундириш механизми ва уни такомиллаштириш йўллари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссер. Автореферати. Тошкент БМА.2007. 6.22. Маликов Т.С. Солиқ юкини оғирлигини кескин камайитириш керакми?Тошкент. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти.2006. 6.31. Тошматов Ш.А. Комилов М.М. Қўшилган қиймат солиғи. Тошкент. Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси.2004. 6.22. Тошмуродова Б. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. Монография. Тошкент. Янги аср авлоди. 2002. Б.56. Ширинов С. Развитие международных расчетов предприятий и фирм Республики Узбекистан. Диссертация. Ташкент. БФА. 1998. с.163. Яхёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Тошкент. Ғофур-Ғулом. 2000. 6.32-33.Хайдаров Н. Молия. Тошкент. Академия.2001. 6.72. Кўзиева Н. “Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари” иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент.208. 6. 40.

### **Тадқиқот вазифалари:**

халқаро савдо назарияси ривожланиш босқичларини ўрганиб чиқиш;  
ташқи савдони ривожлантиришнинг концептуал асосларини таҳлил қилиш;

солиқ сиёсатини юритиш ва божхона тарифларини ўрнатишнинг илғор хориж тажрибасини ўрганиб чиқиш;

ташқи савдони тартибга солишда солиқ сиёсатининг ҳуқуқий асосларини очиб бериш;

экспорт-импорт операцияларини солиққа тортишнинг илмий-назарий асосларини ўрганиш;

жаҳон бозоридаги нархлар ўзгаришининг Ўзбекистон ташқи савдосига таъсирини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

экспорт-импорт операцияларида ундириладиган солиқлар ва тўловларнинг фискал вазифасини таҳлил қилиш;

корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятини солиққа тортиш механизмини комплекс таҳлил этиш;

якка тартибдаги тадбиркорлик субъектларининг экспорт-импорт операцияларига солиқ солиш хусусиятларини ўрганиб чиқиш;

ташқи савдони ривожлантиришда Жаҳон савдо ташкилотига кириш йўналишларини ўрганиш;

экспорт-импорт операцияларини солиққа тортишни такомиллаштиришнинг концептуал асосларини мақсадли йўналишларини ишлаб чиқиш;

ундириладиган солиқлар бўйича имтиёзларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон юридик ва жисмоний шахсларнинг экспорт-импорт операцияларида ундириладиган солиқларни ҳисоблаш ва ундириш механизми олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** экспорт-импорт операцияларини солиққа тортиш жараёнида шаклландиган молиявий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида гуруҳлаш, қиёсий ва иқтисодий таҳлил, статистик таҳлил, таққослаш ҳамда корелляцион ва регрессион таҳлил усулларида кенг фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

товарларни ички бозорга импорт қилинаётганда божхона йиғимларини фоизда ундирилиши тартиби ўрнида божхона йиғимларини кўрсатилаётган хизматидан ундирилиш таклиф этилган;

ташқи савдо операцияларини ривожлантиришда акциз солиғини ва импорт товарлардан олинандиган акциз солиғини товар позицияларини бирхиллаштириш таклиф этилган;

иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш учун импорт товарлари бўйича божхона тўловларини камайтириш таклиф этилган;

соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш учун бериладиган имтиёзларни мақбуллаштириш, яъни узок муддатга берилишини, уларни давомийлигини кўриб чиқиш таклиф этилган;

ташқи савдони солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш асосида божхона тарифларини ўртача арифметик ставкаларини такомиллаштириш услуби ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

илмий тадқиқот ҳамда божхона расмийлаштируви ишларида экспорт-импорт операцияларини давлат томонидан тартибга солиш методларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ишлаб чиқилган;

мамлакатимизнинг жаҳон ҳам жамиятига интеграциялашувини ҳозирги шароитида ҳамда Жаҳон савдо ташкилоти томонидан қўйилган талабларини бажариш мақсадида тариф ва нотариф усуллар орқали тартибга солиниш масалалари чуқур ўрганиб чиқилиб, уларни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ишлаб чиқилган;

ички бозорига олиб кириладиган тақчил бўлган товарларни сотилиш нархларини туширилиши, божхона тўловларини камайтиришга қаратилган илмий тавсиялар амалиётга жорий этишга таклиф қилинган;

божхона тўловларидан бериладиган имтиёзларни самарадорлиги кўриб чиқилиб республикада соғлом рақобат муҳитини ривожлантиришга қаратилган илмий таклиф ишлаб чиқилган ҳамда давлат бюджетига қўшимча маблағлар жалб этилишига эришилган;

божхона тарифлари ставкаларини такомиллаштириш натижасида уларни ҳисоблаш услуби бўйича таклиф ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларини ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг амалий маълумотлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг амалий маълумотлари, Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитасининг амалий маълумотлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотлари, шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти хўжалик субъектларининг экспорт-импорт операцияларини солиққа тортишни такомиллаштиришга доир махсус чуқур илмий тадқиқот ишларини олиб боришда, давлат томонидан ташқи савдони тартибга солишда, бюджет даромадларини шакллантиришни такомиллаштиришда фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти хулосаларнинг олий ўқув юртларида “Солиқлар ва солиққа тортиш”, “Божхона иши” фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда ташқи савдони тартибга солишда солиқ сиёсатини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

товарларни Республика ички бозорига импорт қилинаётганда ундириладиган божхона йиғимлари фоизда ундирилишини такомиллаштириш яъни фоиздан эмас балки кўрсатилаётган хизматидан ундирилиш бўйича берилган таклифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йилнинг 27 июлдаги 22/1-393 сонли топшириғига асосан тасдиқланган Жаҳон савдо ташкилоти битимларига мувофиқлигини таъминлаш бўйича Тадбирлар режасининг 10 бандида ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг (08 май 2019 йилдаги 03-25-2-3647 сонли маълумотномаси). Натижада божхона йиғимларини кўрсатилган хизматлар учун ундирилиш ва фоизда ундирилиш механизми ҳозирги жаҳон савдо ташкилоти талабларига мос бўлиши таъминланган. Мазкур таклифни амалиётга жорий этиш ҳисобига божхона йиғимларини кўрсатилган хизматлар учун ундирилиши ва фоизда ундирилиш механизми ҳозирги жаҳон савдо ташкилоти талабларига мос бўлиши таъминланган;

мамлакатимизда ташқи савдо операцияларини янада ривожлантириш ва Жаҳон савдо ташкилотига кириш учун қўйилган шартларни ўрганиш асосида акциз солиғини ва импорт товарларидан олинадиган акциз солиғини товар позицияларини бирхиллаштириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йилнинг 27 июлдаги 22/1-393 сонли топшириғига асосан тасдиқланган Жаҳон савдо ташкилоти битимларига мувофиқлигини таъминлаш бўйича Тадбирлар режасининг 6 бандида ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг (08 май 2019 йилдаги 03-25-2-3647 сонли маълумотномаси). Натижада халқаро амалиётдан келиб чиқиб акциз солиғини ва импорт товарларидан олинадиган акциз солиғини товар позицияларини сони бўйича яқинлаштириш ва бу орқали Жаҳон савдо ташкилоти томонидан қўйиладиган талабларни бажариш имконияти яратилган;

малакатимиз иқтисодиётини рақобатбардошлигини ошириш мақсадида олиб киритилаётган товарлар бўйича божхона тўловларини камайтириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги ПҚ-4086 сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида” ги қарорида ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (08 май 2019 йилдаги 03-25-2-3647 сонли маълумотномаси). Натижада импорт товарларни ички бозорда бозорда сотиш нархларини пасайтиришга эришилган;

Республикамизда соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш учун бериладиган имтиёزلарни мақбуллаштириш яъни узоқ муддатга берилишини, уларни давомийлигини кўриб чиқиш таклифи 2019 йилги давлат бюджети параметраларини ишлаб чиқиш жараёнида инобатга олинган. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг (31 май 2019 йилдаги ДС/04-32/2947 сонли маълумотномаси). Натижада давлат бюджети даромадларига қўшимча 22924,81 млрд. сўм маблағ жалб этилди. Бундан ташқари ишлаб чиқилган

тегишли хужжат бўйича қарийб 8 трлн. сўмлик имтиёз суммаси бекор қилинади, 50 дан ортиқ товарлар позицияси бўйича республика ички бозордаги рақобат муҳити тенглашган;

ташқи савдони солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш, республикани Жаҳон савдо ташкилотига кўшилишига замин яратиш мақсадида божхона тарифлари ставкаларини такомиллаштириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли қарорида ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги (31 май 2019 йилдаги ДС/04-32/2947 сонли маълумотномаси). Натижада божхона божларининг (жами 11295 та позиция) ўртача арифметик ставкаси 6,45% дан 5,59% гача камайтирилган, импорт товарлари учун белгиланган “0” фоизли акциз солиғи ставкалари 10462 та позициядан 10401 та позициягача камайтирилди. Аксинча 10 фоизли акциз солиғига тортиладиган товарлар гуруҳи сони 56 тага ошиб, 104 тани ташкил қилган, комбинациялашган ставкада солиққа тортиладиган товарлар гуруҳи эса 6 тага кўпайиб 80 тага етган. Натижада 2019 йилда давлат бюджетига 300 млрд. сўм кўшимча маблағ келиб тушиши таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг асосий илмий ва амалий натижалари 10 та, жумладан, 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида илмий маърузалар сифатида баён этилган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, 10 та илмий тезис ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, булардан 10 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган. Ишнинг мазмун-моҳияти мазкур нашрларда тўлиқ акс эттирилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми иловалар ва адабиётлар рўйхатидан ташқари 255 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Глобаллашув шароитида Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда ташқи савдони ўрни ва аҳамияти”** деб

номланган биринчи бобида ташқи савдо фаолиятини мазмун-моҳияти, ривожланиш босқичлар назарий-услубий жиҳатдан изоҳлаб берилган.

Маълумки, Ташқи иқтисодий алоқаларни ривожланишини ҳар бир босқичлари бозор иқтисодиётини ҳозирги шароитида ташқи савдони тартибга солишда божхона фаолиятини самарали юритишда ўз ифодасини топади.

Ташқи иқтисодий алоқалар халқаро меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, хўжалик ҳаётини байналминаллаштириш жараёнидан объектив равишда келиб чиқади. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг шаклланиши ва ривожланиши алоҳида олинган мамлакатларнинг ўзаро алоқалари ва бир-бирларига боғлиқлигининг кучайиши билан белгиланади.

Жаҳон хўжалигининг XX аср охирларидаги фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири – давлатлар ўртасидаги халқаро иқтисодий муносабатларнинг янада ривожланиши ва такомиллашишидир.

Жаҳон иқтисодиётининг ҳар томонлама ривожланиши иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатларни халқаро хўжалик алоқаларига мунтазам равишда жалб этишга олиб келди. Дунёнинг турли минтақаларида иқтисодий ривожланиш даражасининг ҳар хиллиги ва аҳолининг нотекис ўсиши халқаро айирбошлашни кенгайтириш заруриятини юзага келтирди. Ушбу жараёнлар янги бозорларнинг ривожланишига, хом ашёни олиб киришга, технология ва ахборотларни айирбошлашга, илмий-техник, ишлаб чиқариш, маданий ва бошқа ташқи иқтисодий муносабатларнинг жадаллашувига имкон яратди.

Айни вақтда ташқи иқтисодий муносабатлар давлатнинг иқтисодий тизимига таъсир кўрсатиш воситаси бўлиб майдонга чиқади ҳамда у ташқи иқтисодий фаолият механизми орқали амалга оширилади.

Ташқи иқтисодий фаолият турли йўналишларда амалга оширилади. Бу йўналишлар ичида ташқи савдо катта ўринни эгаллайди, чунки бундай фаолият туфайли мамлакатлар ўз ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятига эгадирлар.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий шаклларида бўлган – ташқи савдони (экспорт ва импорт жараёнларини) амалга оширишда давлатнинг роли асосан савдо сиёсатини амалга ошириш ва ташқи савдони тартибга солиш чора-тадбирларини чиқаришга, қўллашга қаратилган бўлади. Ҳар бир мамлакатдаги савдо сиёсатида иқтисодий, сиёсий, маъмурий, ташкилий, ҳуқуқий ва бошқа масалалар узвий боғлангандир. Савдо сиёсатининг туб моҳиятидан келиб чиққан ҳолда иқтисодий масалалар асосий ҳисобланади.

Мамлакатлар ўз ички бозорларини ҳимоя қилиш, чет эл бозорларига кўпроқ товарлар чиқариш мақсадида ташқи иқтисодий фаолиятларнинг савдо сиёсатини мавжуд воситалар ёрдамида тартибга соладилар.

Ташқи иқтисодий алоқалар моддий, молиявий ва заковат бойликларининг мамлакат ўртасида алмашинувининг турли йўналишлари, шакллари ва воситаларини ифодаловчи яхлит тизимдир. Бу исталган мамлакат иқтисодиётидаги энг мураккаб соҳа бўлиб, ўз ривожланиши учун атрофлича ёндошишни тақозо этади. Ўзбекистоннинг сиёсий мустақилликка

эришиши ва бозор муносабатларига ўтиши, босқичма-босқич иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши мамлакат тараққиётида ташқи иқтисодий алоқалар ролини анча кўтарди.

Дунё иқтисодиётининг ривожланиши ва иқтисодий таълимотлар тарихи назарий қарашлари<sup>6</sup>, ёндашувлар ва амалий ҳатти-ҳаракатларнинг асосий масалаларидан бири сифатида иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш масаласига алоҳида эътибор берилган.

Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори ўсиш суръатларини таъминловчи омиллар қуйидагилар билан изоҳланади:

- иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилиш бўйича тегишли чора-тадбирларнинг амалга оширилаётгани;

- реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида иқтисодиётни солиқ юки пасайтирилаётгани ва бошқа қатор имтиёзларнинг жорий этилаётгани;

- корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш борасида фаол инвестиция сиёсати киритилаётгани;

- бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган дастурий вазифаларнинг ўз вақтида бажарилаётгани<sup>7</sup>.

Ишлаб чиқилган қатор чора-тадбирлар ўз вақтида ва самарали амалга оширилгани туфайли мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръатлари сақланиб қолди. Бунга мисол сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- иқтисодиёт тармоқларини таркибий ўзгартириш ва уларнинг рақобатбардошлигини ошириш;

- чет эл инвестицияларини жалб қилиш ҳамда фаол инвестиция сиёсатини юритиш;

- маҳсулотлар экспортини кенгайтириш ва маҳаллий маҳсулотларни экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш;

- кичик тадбиркорлик ва хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш.

Ўзбекистонда моддий бойликлар яратиш ва хизматлар кўрсатишнинг динамик, яъни барқарор характерга эга бўлиши бир томондан ишлаб чиқариш ресурслари мавжудлигига, улардан самарали фойдаланиш ва илмий-техник ривожланишга эришишга, иккинчи томондан мавжуд ресурсларни ўзлаштириш имкониятларига бевосита дахлдор. Айни чоғда, ички капитал танқислигининг мавжудлиги иқтисодий ўсишни таъминлашда ташқи иқтисодий омилларнинг, аввало, хорижий инвестициялар ва кредитларнинг ролини янада оширади.

<sup>6</sup> Амир Темур. Темур тузуклари. Тошкент: Ўзбекистон, 2011 й.

<sup>7</sup> <http://www.cbu.uz/> - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти.

Ўзининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари билан жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган маҳсулотлар тайёрлаш ёки етиштириш бу жараёнга илғор технологияларни ва ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришнинг илғор усуллари жорий этиш имконини беради. Ўзбекистон ортиқча меҳнат ресурсларига эга ҳудудлардан бири эканлиги ҳисобга олинган ҳолда, таркибий силжишларнинг асосий йўналиши илмий-техник тараққиётнинг янги ютуқларига асосланадиган, кўп меҳнат талаб қилинадиган ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўлиши лозим. Электроника, радиотехника саноати, асбоб-ускуналар, автомобилсозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати каби тармоқлар ҳам жадал ривожланишига, уларда ишлаб чиқарилаётган товарлар сифатини яхшилашга ва аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам эришиш керак.

Иқтисодий ўсишнинг алоҳида жиҳатларини тавсифловчи кўрсаткичлар ҳам мавжуд. Уларнинг асосийлари ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси, меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва иш вақтини тежаш, шахсий даромад ва фойда массаси, миллий иқтисодиётнинг тармоқ тузилиши ҳисобланади.

Барқарор иқтисодий ўсишнинг зарурий шарти саноатнинг қайта ишлаб чиқариш тармоқлари шиддат билан ривожланишидир. Бу иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини индустриллаштириш учун зарур шарт-шароит вазифасини ўтайди ва меҳнат унумдорлигини оширади.

Барқарор иқтисодий ўсишга эришиш ихтиёрий иқтисодий сиёсатнинг мақсади сифатида эътироф этилади. Бу вазифани ҳал қилишда бюджет-солиқ бошқарувини тартибга солиш муҳим аҳамиятга эга. Бюджет-солиқ сиёсати давлатнинг иқтисодиётга кенг миқёсда таъсир ўтказишига имконият яратиб (*бошқа тартибга солиш турлари билан таққослаганда*), хато ёки самарасиз қарорлар қабул қилинганда макроиқтисодий ҳолатнинг ёмонлашуви хатарини бошидан кечиради. Шу нуқтаи-назардан ёндашганда, иқтисодиётнинг келгуси равнақи маълум даражада ўша хатарларни тўғри баҳолашга ва фискал сиёсатининг самарадорлигига боғлиқ бўлиб чиқади.

Бюджет-солиқ сиёсатининг иқтисодий ўсишга таъсир этиш механизмлари хусусиятлари унинг ўзгаришларида вужудга келадиган катта миқдордаги ижобий ва салбий оқибатлар мавжудлигида ифодаланади ҳамда бу жараён вақт бўйича кескин фарқ қилиши мумкин. Чунончи, тиббиёт ва таълим харажатларининг реал ўсиши инсон капитали сифатини ва иқтисодий ўсиш суръатларини ўрта даврга мўлжалланган муддатга оширади. Бошқа томондан эса, агар қўшимча бюджет харажатлари солиқ ставкаларини оширишни тақозо этса, аҳоли эгалик қиладиган даромадлар ва товар ишлаб чиқарувчилар фойдаси пасайишига олиб келади. Оқибатда жамғариш қисқариб, корхоналарнинг инвестиция фаоллиги сусаяди.

Миллий иқтисодиётнинг иқтисодий ўсишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик доирасида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш фойдадан холи бўлмайди<sup>8</sup>:

<sup>8</sup> Ф.Шарипов “Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш ва унга таъсир этувчи омиллар”. Мақола- "[Biznes - Эксперт](#)", №8 (116)-2017. манба: [biznes-daily.uz](#)

**биринчидан**, мамлакатимизнинг барча минтақаларида бизнесни ривожлантириш учун янада қулай ишчан муҳит яратиш, тадбиркорликка, кичик ва хусусий бизнесга ҳар доимгидан кенгроқ ва кўпроқ эркинлик бериш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш даркор;

**иккинчидан**, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кредитлар, хом-ашё ресурслари, шунингдек, давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш лозим;

**учинчидан**, кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун зарур ташкилий, ҳуқуқий, молиявий механизм ва шароитларни яратишимиз шарт. Кичик корхоналар учун ташқи савдо операцияларини расмийлаштиришдаги ортиқча ички процедураларни бартараф этиш, кичик бизнес соҳаси маҳсулотларини экспорт қилиш борасида кўшимча преференциялар бериш жоиз. Шунинг ҳам тан олиш керакки, ҳеч бир кичик корхона ўз маҳсулотларини мустақил равишда ташқи бозорга чиқара олмайди. Негаки, бунинг учун катта маблағ сарфланади, шунингдек, хорижиймамлакатлар бозорининг ҳолати ва қонунчилигининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида етарлича ахборот ва билимларга эга бўлиш талаб этилади.

Ташқи савдо фаолиятини ривожлантириш бўйича хорижлик олимлардан А.Смит<sup>9</sup>, Дж.С. Миллю, Ф. Листом, В. Репкелар ташқи савдо фаолиятини солиқлар ва бож таърифлари орқали тартибга солиш масалаларини тадқиқ этишган.

А.Смит ташқи савдо фаолиятида эркинлик принципига амал қилинишини, божхона орқали тартибга солишни мумкин қадар камайтиришни, уларни аралашувини фақат иқтисодий ривожланаётган тармоқларига ҳимоя чораси сифатида қўлланилишини назарда тутган.

Дж Миллю<sup>10</sup> вақтинчалик божхона божлари ва но таъриф чеклашлар бу соҳада энг керакли тартибга солиш дастаклари сифатида давлатнинг ўзида хорижий саноат корхоналарини яратишга қаратилиши, бундан ташқари инқирозга йўл тутаётган тармоқларни қўллаб-қувватлашга, охир-оқибат носоғлом ҳўжалик фаолиятини яхшилашга таъсир кўрсатишини айтиб ўтган.

Ф.Листом ташқи савдони тартибга солишда қўлланиладиган божхона усуллари табиий бойликларига бой ва катта ер майдонларига эга давлатларга қўлланилиши лозимли, иқтисодий ўсишга эришган мамлакатлардагина протекционизм божхона сиёсати қўлланилса ўзини оқлашини билдириб ўтган.

В. Репкени<sup>11</sup> таъкидлашича ташқи савдо жараёни ва божхона фаолиятини самарали ташкил этиш масалалари жамиятнинг умуммиллий муаммоларининг қай даражада ҳал этилишига тўғридан тўғри боғлиқ бўлиб, бундай шароитда давлат марказий аҳамият касб этувчи омил сифатида амал қилади. “Бозор тизими соф ҳолда умуммиллий муаммоларни ҳал этишга ҳамда жамиятнинг ижтимоий соҳаларига-мудофаа ва давлат бошқаруви,

<sup>9</sup> Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. М. Эксмо.2009.186 с.

<sup>10</sup> Нуреев Р.М. Критика базовых предпосылок современных макроэкономических теорий. М. Институт экономики РАН, 2014. С.4-10

<sup>11</sup> Roopke W. International Order and Economic integration Dordrecht-Holland D. Reidel Publishing Company

жамоат тартибини сақлаш, ягона энергетика тизимининг ишлаб туришини таъминлаш вазифалари давлат зимасида бўлиши лозим. Бу масалаларнинг ҳал этилиш охир оқибатда ташқи савдонинг тараққий этиши ва божхона тўлақонли ички келишувларга эришиш, товарлар айланмаси ҳамда хизматлар харакатини давлатлараро мувофиқлаштиришга эришилади.

Мамлакатимизда ташқи савдо фаолиятини солиқлар ва бож таърифлари орқали тартибга солишга доир тадқиқотларда ташқи савдо фаолиятини тартибга солиш механизмини мазмуни баён этилган. Жумладан, Р.А. Тураповнинг<sup>12</sup> фикрича ташқи савдо ва божхона фаолиятини ташкил этишнинг назарий масалалари ва амалий йўналишларига тарихан юртимизда ҳам жуда катта эътибор берилганлиги таъкидлаб ўтган. Хусусан “Мухаммад ибн Мусо Хоразмий ва Ахмад ибн Мухаммад ибн Касир Фарғоний” иқтисодий қарашларида ижтимоий меҳнат тақсимотининг зарурлиги, Абу Али ибн Сино жамият тараққиётида ҳалқаро савдо муҳим аҳамият касб этиши ва у ижтимоий тараққиётнинг омили эканлиги ғоясини илгари сурганлигини”.

Д. Ҳайдаровани<sup>13</sup> таъкидлашича, бошқарув қарорлари самарадорлиги кўп жиҳатдан экспорт-импорт таркибида намоён бўлади. Қатор олимлар томонидан иқтисодий хавфсизлик нуқтаи-назаридан экспорт-импорт ҳажми ва ўсиш суъратлари ҳамда уларнинг мамлакатлар бўйича тақсимланиши каби иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичлари таклиф этилган.

Ў.Т.Комилов<sup>14</sup> ўз қарашларида, божхона соҳасида иқтисодий хавфсизлик борасида мавжуд ёндашувларни ижобий баҳолаган ҳолда шуни таъкидлаганки, қуйидаги ёндашув ўзининг кенг қамровлиги билан ажралиб туради, яъни “божхона соҳасида иқтисодий хавфсизлик божхона сиёсати ижроси ва божхона ишини самарали ташкил этиш асосида божхона органларига юклатилган вазифаларни иқтисодий хавфсизлик нуқтаи-назаридан тўлиқ ва сифатли бажариш ҳамда миллий иқтисодиётни самарали ривожлантиришга йўналтирилган божхона воситаларини қўллаш асосида тегишли ижтимоий-иқтисодий натижаларни таъминлаш лаёқатидир” деб таъкидлаган.


Шундай қилиб ташқи савдо фаолиятини солиқлар орқали тартибга солиш ҳозирги вақда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Иқтисодий ўсиш суъратларини ўзгариш динамикаси қуйида келтирилган (1-расм).

<sup>12</sup> Турапов Р. Ўзбекистон Республикасида божхона фаолияти самарадорлигини ошириш: услубият, ҳолати, асосий йўналишлари. Тошкент. Ўзбекистон.2006.

<sup>13</sup> Ҳайдарова Д. Экономическая безопасность Узбекистана в контексте развития внешней торговли. Ташкент 2008. ва бошқалар

<sup>14</sup> Комилов Ў.Т. Шорахмедов Ш.Ш., Аскарлов И.Р., Комилов М.М. Божхона тизимида бошқарув асослари. Тошкент: ФТДК “ДИТАФ 2002”. Б-147.



### 1-расм. Иқтисодий ўсиш сурьатларини ўзгариш динамикаси

Расм маълумотларидан кўриш мумкинки, ЯИМ нинг ҳажми 2011 йилда 96 949,6 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилга келиб 407 514,5 млрд.сўмни ташкил этган. 2018 йилни 2011 йилга нисбати билан 310 564,9 млрд.сўмга ортишига эришилган. ЯИМ нинг ҳажми АҚШ доллари эквивалентида 2018 йилга келиб 6 023,2 млрд. АҚШ долларига камайган. Бундай камайишнинг асосий сабабаби ҳозирги вақтда ташқи савдо муносабатларида рўй бераётган ўзгаришлар билан изоҳланади.

Ишнинг **“Ўзбекистонда ташқи савдони тартибга солишда солиқ сиёсатининг ҳуқуқий асослари”** деб номланган иккинчи бобида ташқи савдони тартибга солишда солиқ сиёсатининг ҳуқуқий асослари, экспорт-импорт операцияларини солиққа тортишнинг илмий-назарий асослари, жаҳон бозоридаги нархлар ўзгаришининг Ўзбекистон ташқи савдосига таъсирини камайтиришда солиқ сиёсатини аҳамияти ўрганилиб чиқилган.

Ўзбекистон дунёдаги барча мамлакатлар томонидан халқаро иқтисодий алоқаларни ҳар томонлама кенгайтириш ва ривожлантиришга қаратилган изчил сиёсат олиб бормокда. Бугунги кунга келиб Ўзбекистон Республикаси турли соҳаларни, жумладан, иқтисодий соҳадаги халқаро муносабатларни тартибга солиб турувчи жуда кўплаб халқаро конвенция ва келишувларни имзолади ҳамда бир қатор нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлди.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий сиёсати ўз ичига қуйидаги сиёсатларни олади<sup>15</sup>:

- ташқи савдо сиёсати – экспорт ва импорт сиёсати;
- ташқи инвестиция сиёсати – хорижий инвестициялар импорти ва ўзбек инвестицияларининг экспорт сиёсати;
- валюта сиёсати – дисконт, девиз, валютани субсидиялаш, валюта захираларини диверсификациялаш сиёсати;


<sup>15</sup> Мирсаидов М. “Халқаро иқтисодий муносабатлар”. Ўқув қўлланма. Т.:«IQTISOD-MOLIYA», 2006 й., 29 б.

- божхона сиёсати;
- миграция сиёсати.

Ташқи савдо сиёсати - Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар билан маҳсулотлар, хизматлар ва технологиялар айирбошлашини камраб олган ташқи савдо фаолияти муносабатларини ўрнатиш ва тартибга солиш ҳисобланади.

Ташқи савдо экспорт сиёсати - Ўзбекистон маҳсулотларининг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш ва уларни ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга йўналтирилганлигидир.

Ташқи савдо импорт сиёсати - Ўзбекистон Республикасига хорижий маҳсулотлар, иш ва хизматлар киритилишини тартибга солишга йўналтирилганлиги (2-расм).



**2-расм. Ташқи савдо мазмуни ва шакллари<sup>16</sup>**

*Ташқи инвестиция сиёсати* - Ўзбекистон Республикаси ҳудудига хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ишлатиш, шунингдек, ўзбек инвестицияларининг хорижга чиқарилишини тартибга солиш бўйича чоратadbирлар комплекси.

Хорижий инвестицияларни импорт қилиш қуйидаги асосий вазифаларни ҳал қилишга қаратилган:

<sup>16</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

- халқаро стандартлар даражаси бўлган миллий товар ва хизматлар ҳажмини кўпайтириш;

- илғор технология, тажриба ва ноу-хауларни жалб этиш;

- ишсизликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини ўстириш;

- миллий даромад ва ЯММни ўстириш.

Валюта сиёсати – валюта воситаларини шакллантириш ва маълум бир мақсадга йўналтирган ҳолда самарали фойдаланишга қаратилган сиёсатдир.

Божхона сиёсати Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида божхона назорати ва товар айирбошлашни тартибга солиш воситаларидан самарали фойдаланиш ички бозорни ҳимоя қилиш ва миллий иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирларидан иборат.

Миграция сиёсати - Ўзбекистон Республикасига ва ундан ташқарига ишчи кучларининг кириши ва чиқишини тартибга солишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлардан иборат.

Ташқи иқтисодий фаолиятда ташқи савдо сиёсати муҳим ҳисобланади, ташқи савдо сиёсати – ташқи савдо ҳажмини савдо тўсиқлари ёрдамида давлат томонидан тартибга солиш билан боғлиқ макроиқтисодий сиёсатни амалга ошириш шаклидир.

Мамлакатимизда ташқи савдо фаолиятини ривожлантиришда охириги йилларда экспортнинг ўсиши иқтисодий ўсиш суръати тезлашувининг асосий омилларидан бирига айланди. Экспортнинг ўсишига ҳам ички омиллар, ҳам ташқи омиллар таъсир кўрсатди. Экспортнинг ўсишини рағбатлантирувчи асосий омиллар бўлиб миллий валютанинг конвертацияланишига эришилганлиги, маҳаллий товарларни экспортга чиқаришни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга оширилиши, шунингдек, иқтисодий таркибий ўзгаришлар бўлмоқда.

Шунингдек, экспортнинг ўсишига, мамлакатнинг асосий экспорт товарлари учун жаҳон бозори конъюнктурасининг қулайлиги, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган товарларга асосий савдо ҳамкорлари бўлган мамлакатлар томонидан талабнинг юқорилиги ҳам сезиларли таъсир кўрсатди.

## 1-жадвал

### Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмасида экспорт ҳажми ва таркибининг ўзгариши динамикаси (фоиз ҳисобида)<sup>17</sup>

Кўрсаткичлар	Йиллар бўйича умумий экспорт ҳажмидаги улуши									
	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018
Пахта толаси	8,6	12,1	9,0	9,3	8,1	7,7	5,9	5,3	3,8	1,6
Озиқ-овқат маҳсулотлари	6,0	9,7	13,3	6,4	10,3	12,4	10,5	5,7	7,0	7,8
Кимё саноати маҳсулотлари ва ундан	5,0	5,1	5,6	5,6	4,2	4,7	4,9	7,0	7,0	6,5

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

тайёрланган буюмлар										
Энергетика ва ёқилғи маҳсулотлари	34,2	22,8	18,5	34,6	24,0	23,0	21,4	14,2	12,8	19,1
Рангли ва қора металлургия	5,0	6,9	7,4	7,8	6,7	7,2	6,6	5,9	7,3	8,4
Машина ва ускуналар	2,9	5,5	6,6	6,5	5,7	4,0	1,3	1,8	2,8	1,5
Хизматлар	8,8	10,2	11,8	17,3	20,6	22,4	24,5	25,8	19,7	21,9
Бошқалар	29,5	27,7	27,8	12,5	20,4	18,6	24,9	34,3	39,6	33,2
<b>Жами</b>	<b>100,0</b>									

Мамлакатимизни ташқи савдо айланмасида экспорт ҳажми ва таркибини ўзгаришини юқориди келтирилган жадвал асосида кўриб чиқамиз (1-жадвал).

Мамлакатимизда сўнгги йилларда саноат тузилмасини диверсификация қилиниши натижасида республиканинг экспорт таркиби сезиларли даражада ўзгаришига эришилди. Таъкидлаш лозимки, ўтган давр мобайнида хом-ашё экспортдан тайёр маҳсулот экспорт қилинишига эришилди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмасида экспорт ҳажми ва таркибининг ўзгариш динамикасини таҳлили кўрсатмоқдаки, 2018 йил якунларига кўра экспорт таркибида хизматлар (21,9 фоиз), энергетика ва ёқилғи маҳсулотлари (19,1 фоиз) ва бошқа товарлар (33,2 фоиз) юқори улушга эга.

Эътиборли жиҳати шундан иборатки, таҳлил қилинаётган сўнгги 10 йил мобайнида мамлакат экспорти улушида хом-ашё ва материалларнинг камайиши, тайёр маҳсулот ва хизматларнинг ортиши кузатилган. Жумладан, пахта толасининг экспорт таркибидаги улуши 2009 йилда 8,6 фоиздан 1,6 фоизга қадар, энергетика ва ёқилғи маҳсулотлари 34,2 фоиздан 19,1 фоизга қадар, рангли ва қора металлургия 5,0 фоиздан 8,4 фоизга, машина ва ускуналар 2,9 фоиздан 1,5 фоизга камайгани ҳолда, хизматларнинг улуши 8,8 фоиздан 21,9 фоизга қадар, бошқаларнинг улуши 29,5 фоиздан 33,2 фоизга қадар ортган.

Мамлакат экспортида айрим турдаги тайёр маҳсулотларнинг кескин камайиши кузатилган. Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, таҳлил қилинаётган йилларда машина ва ускуналарнинг экспорт таркибидаги улуши деярли 2 мартага пасайиши кузатилган. Бу ҳолат мамлакат экспортига сезиларли даражада таъсир кўрсатган. Бошқа омиллар билан бирга машина ва ускуналарнинг экспортини камайиши мамлакат ташқи савдо балансига жиддий таъсир қилган.


Мамлакатнинг тўлов баланси жорий операциялари мусбат сальдоси ўсиб, бу миллий валютани алмаштириш курсининг белгиланган доирада бўлиши, ташқи қарзни қисқартириш ва расмий олтин-валюта захираларининг сезиларли ўсишига хизмат қилди.

Шу билан бирга, маҳаллий товарларни ташқи бозорларга чиқаришнинг самарали механизмлари етарли эмаслиги мамлакатнинг экспорт салоҳиятидан фойдаланишни чеклаб турибди. Хусусан, воситачи ташкилотларнинг экспорт фаолиятини рағбатлантириш бўйича механизмлар ишга туширилмаган. Бизнесда транзакция (расмий, норасмий, кўзда тутилмаган йўқотишлар ва харажатлар мажмуи) харажатларининг вужудга келган юқори даражаси миллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлик даражасини пасайтиради.

Экспортнинг ҳуқуқий асослари ва божхона қонунчилигини, божхона жараёнларини экспорт ва импорт битимларини соддалаштириш ва бизнеснинг транзакция харажатларини пасайтириш томон такомиллаштириш талаб қилинади. Мамлакатимизни ташқи савдо айланмасида импорт ҳажми ва таркибини ўзгаришини қуйида келтирилган жадвал асосида кўриб чиқамиз (2-жадвал).

2-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмасида импорт ҳажми ва таркибининг ўзгариши динамикаси (фоиз ҳисобида)<sup>18</sup>**



Жадвал маълумотларидан шу нарса кўринадики, ўрганилган деярли барча импорт таркибида ўсиш ҳолатлари кузатилган. Жумладан, машина ва усқуналар 43,0 % ни, кимё sanoati маҳсулотлари, пластмасса ва ундан тайёрланган буюмлар 13,0 % ни, хизматлар 10,9 % ни ташкил этган.

Тадқиқотнинг “Ўзбекистонда экспорт-импорт операцияларини солиққ тортиш механизмини амалдаги ҳолати таҳлили” деб номланган

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

учинчи бобида экспорт-импорт операциялардан ундириладиган солиқлар ва тўловларнинг фискал аҳамияти, корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятини солиққа тортиш механизмини таҳлили, якка тартибдаги тадбиркорлик субъектларининг экспорт-импорт операцияларига солиқ солиш хусусиятлари ўрганилиб чиқилган.

Республикамизнинг мустақилликка эришиши, ўзининг мустақил солиқ тизимини шакллантиришни ҳам тақозо этди. Шундан келиб чиқиб, мустақилликнинг дастлабки йилларидан эътиборан мустақил солиқ тизимини шакллантиришга қаратилган ислохотлар изчиллик билан амалга оширила бошланди ва ушбу ислохотларнинг самараси ўлароқ ҳозирги пайтга келиб республикамизда бир қадар ўзига хос бўлган солиқ тизими шакллантирилди.

Ўзига хос бўлган солиқ тизимининг шакллантирилишини солиқ сиёсатининг самараси сифатида эътироф этиш мумкин. Республикамиз давлатчилик шаклидан келиб чиқиб мамлакатимизда республика бюджетидаромадларини шакллантиришга қаратилган умумдавлат солиқлари ва маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришга қаратилган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар амал қилади.

Ўзбекистон Республикасида товарлар ва транспорт воситалари божхона чегараси орқали олиб ўтишда ва Божхона кодексида назарда тутилган бошқа ҳолларда қуйидаги божхона тўловлари тўланади:

- бож;
- қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС);
- акциз солиғи;
- божхона ҳудудида қайта ишлаш режимидан ва божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш режимидан фойдаланиш билан боғлиқ рухсатномаларни берганлик учун йиғимлар;
- божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестатини берганлик, бундай аттестатни қайта расмийлаштирганлик ва унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун йиғимлар;
- божхона расмийлаштируви учун божхона йиғими;
- товарларни сақлаганлик учун божхона йиғими;
- товарларни божхона кузатувиغا олганлик учун божхона йиғими;
- дастлабки қарорни қабул қилганлик учун ҳақ;
- қонун ҳужжатларида бошқа божхона тўловлари ҳам белгиланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали товар ва транспорт воситаларини ўтказишда Ўзбекистон Республикасининг Божхона ва Солиқ кодексларига асосан божхона тўловлари ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 12-моддасига асосан:

- солиқлар деганда белгиланган, муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади.

- бошқа мажбурий тўловлар деганда ушбу Кодексида белгиланган давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий пул тўловлари, божхона тўловлари,

шунингдек ваколатли органлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни тўловчиларга нисбатан амалга ошириш учун, шу жумладан муайян ҳуқуқларни ёки лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни бериш учун тўланиши лозим бўлган йиғимлар, давлат божи тушунилади.

Солиқ кодексининг 23-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ундириладиган солиқлар ва мажбурий тўловлар турлари келтириб ўтилган бўлиб, унга асосан, божхона тўловлари – мажбурий тўловлар таркибига киритилган.

Солиқ кодексининг 14-моддасига асосан божхона органлари, яъни Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, божхона комплекслари ва божхона постлари – божхона тўловларини ундиришда ваколатли орган ҳисобланади.

Божхона божлари, асосан, учта функцияни бажаради:

- **фискал**, яъни импорт ва экспорт божлари орқали давлат бюджетининг даромадлар қисми тўлдирилади;
- **протекционистик** (ҳимоя) импорт божи орқали давлат ўзининг маҳаллий ишлаб чиқарувчиларини кутилмаган рақобатдан ҳимоя қилади;
- **мувозанатлаштирувчи**, агарда айрим товарлар жаҳон бозорларидаги нархларидан паст бўлса, экспорт божлари орқали экспорт қилиш мумкин бўлмаган товарларни четга чиқиб кетишининг олдини олишда ишлатилади.

Божхона божларини синфланишини қуйида келтирилган жадвал орқали кўришимиз мумкин (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Жаҳон амалиётида божхона божларининг синфланиши<sup>19</sup>

Ҳисобланиш усулига кўра	Махсус ставка бўйича ҳисобланадиган божлар	Адвалор ставка бўйича ҳисобланадиган божлар	Аралаш ставка бўйича ҳисобланадиган божлар
Ундирилиш объектига кўра	Импорт	Экспорт	Транзит
Фавқулодда қўлланилишига кўра	Мавсумий ва махсус	Демпингга қарши	Компенсацион
Келиб чиқишига кўра	Автоном	Конвенцион	Преференциал
Ставкаларнинг барқарорлиги бўйича	Доимий	Ўзгарувчан	-

Божхона иши асослари. Ўқув қўлланма. 1-қисм “Янги аср авлоди”2017. 804 б.<sup>19</sup>

Даражасига кўра	Номинал	Самарали	-
-----------------	---------	----------	---

### **Ҳисобланиш усулига кўра:**

- *адвалор ставка бўйича ҳисобланадиган божлар* – товарнинг божхона қийматидан фоизда ҳисобланиб, ундирилади (мисол учун товарнинг божхона қийматидан 20 фоиз миқдорда)

- *специфик (махсус) ставка бўйича ҳисобланадиган божлар* – товар бирлигидан, ўрнатилган тартибда, ундирилади (мисол учун ҳар бир дон товар учун 10 доллар ёки метр кубидан 10 доллардан)

- *аралаш ставка бўйича ҳисобланадиган божлар* – юқорида кўрсатилган иккала турдаги бож турини ўз ичига олади (мисол учун товарнинг божхона қийматидан 20 фоиз, лекин ҳар бир донасидан 10 доллардан ошмаган ҳолда ёки товарнинг божхона қийматидан 20 фоиз ва унга қўшилган ҳар бир донасидан 10 доллардан ошмаган ҳолда).

Адвалор ставкали божларнинг қўлланилиши ички бозорни бир хилда ҳимоялаб туради ва ҳар қандай товар нархи тебранишлари бюджет даромадларини ўзгартира олмайди, яъни товарнинг нархи ўсиши ёки пасайиши фоиз ставкасига ҳеч қандай таъсир ўтказа олмайди балки нархлар ўзгариши билан у ҳам мунтазам ўзгариб боради.

Махсус ставка бўйича ҳисобланадиган божлар стандарт товарларга нисбатан қўлланилади ва божхона божларини ундириш жараёнларида масъулиятни суистеъмол қилиш эҳтимолини камайтиради. Бошқа томондан олиб қараганда иқтисодий инқироз пайтида ёки тушиш даврида, махсус божлар маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни самарали ҳимоя қилади.

### **Ундирилиш объектига кўра:**

- давлатнинг ички бозорида эркин муомалага чиқариш учун четдан келтириляётган, яъни импорт товарларига нисбатан *бож* қўлланилади.

- давлат божхона чегарасидан чиқиб кетаётган, яъни экспортқилинаётган товарлардан *бож* ундирилади ва бундан асосий кўзланганмақсад ички бозордаги нархларни жаҳон бозоридаги нархлар билан тенглаштиришдир;

- давлат ҳудудида жойлашган икки божхона органи орқали ўтиб кетаётган, яъни транзит ўтаётган товарлардан *бож* ундирилади. Бундай бож, асосан, савдо урушлари пайтида қўлланилади.

### **Фавқулодда қўлланилишига кўра:**

- *Мавсумий божлар* асосан, халқаро савдони тезкор тартибга солиш мақсадида қўлланилади, мисол учун, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини оладиган бўлсак одатда уларнинг мудати бир неча ойдан узоғи билан бир йилдан ошмаслиги керак.

- *Демпингга қарши божлар*, ички бозорга паст нархларда олиб кириляётган товарларга нисбатан қўлланилади, агарда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга бундай нархларда товар олиб кириш зарар етказса, ушбу бож турининг қўлланиши самарали натижа беради ва ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиради;

- *Компенсацион божлар*, бундай турдаги божлар бевосита ва билвосита субсидиялар олиб ишлаб чиқарилган ва арзон нархда ички бозорларга кириб келган товарларга нисбатан қўланилади;

- *Махсус божлар*. Одатда бундай божлар маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш билан бирга, савдо муносабатларида ишлаб чиқилган хорижий давлатлар сиёсатига жавоб тариқасида ҳам, давлат манфаатларини кўзлаган ҳолда, қўланилади.

Бундай турдаги божлар ҳамкорлар томонидан мажбуриятлар суистеъмол килинган ҳолда қўланилади. Бундай божлар қўлланилишида, асосан, икки томонлама шартнома ва келишувлар муҳим роль ўйнайди ҳамда улар сиёсий йўл билан ҳал қилинади. Мазкур божлар бошқа бож турлари қўлланилмаган ҳолатда ёки бузилганда ишлатилади.

#### **Келиб чиқишига кўра:**

- *Автоном божлар*, бунда ҳукумат органларининг бир томонлама ҳаракати натижасида вужудга келади. Бундай пайтда асосий қарорни давлат қабул қилади ва аниқ бож ставкалари ўрнатилади.

- *Конвенцион (шартномали)божлар*, бунда икки томонлама ва кўп томонлама шартномаларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилади ва қўлланилади.

- *Преференциал божлар*, бунда бож тарифи ставкаларидан паст кўринишда қўлланилади ва ундирилади ҳамда ривожланаётган давлатларда экспорт ҳажмини ошириш мақсадини кўзда тутаяди. 1971 йилдан бошлаб, импорт тарифи ставкаларини камайтириш ҳисобига ҳам, ривожланаётган давлатларда бир қатор ютуқларга эришилган.

#### **Ставкаларнинг барқарорлиги бўйича:**

- *Доимий бож тарифи*, ставкаси ҳукумат томонидан белгиланган бўлиб, ўзгартириш мумкин эмас.

- *Ўзгарувчан бож тарифига*, давлат органлари томонидан ўрнатилган ва ўзгартирилиши мумкин бўлган тариф ставкалари киради, бу тариф, асосан, ички нархларни жаҳон бозоридаги нархларга тенглаштириш жараёнида қўлланилади. Мисол тариқасида Европада қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ягона нархини белгилашни келтириш мумкин.

#### **Даражасига кўра:**

- *номинал тариф ставкаси*, бож тарифида кўрсатилган тарзда

- ўрнатилади. Улар давлат импорти ва экспортини ривожлантириш жараёнида умумий тарздаги божхона божлари ундирилишини ўзида акс эттиради.

- *самарали* - божхона божларининг реал қийматини товарнинг охириги нархида акс эттиради.

- Юқорида акс этирилган манбалардан кўриниб турибдики, божхона тўловларнинг давлат бюджети даромадлари таркибида ҳам асоси ўринлардан бирини ташкил этади (4-жадвал).

**Божхона тўловларининг таркиби тузилиши ўзгариш динамикаси  
(фоиз ҳисобида)<sup>20</sup>**

Жадвал маълумотларидан божхона тўловларида божхона божидан ҳам кўра салмоқли ўринни ҚҚС эгаллашини кўришимиз мумкин, 2009 йилда 64,91% бўлса, 2018 йилга келиб 76,0% дан ортиб кетаётганини ажабланарли ҳолат. Божхона божи эса 10 йил давомида салмоғининг 3,53% га камайганини кузатишимиз мумкин. Акциз солиғи ва божхона йиғимларининг божхона тўловларидаги улушлари тебраниб туришини ва аксинча, божхона тушумларининг улуши йилдан-йилга пасайиш тенденциясини намоён этмоқда.

Ҳозирги вақтда солиқ ва божхона органлари ҳар йили ушбу божхона тўловлари бўйича истиқбол режаларини ортиғи билан бажариб келмоқда.

Божхона тўловлари	ЙИЛЛАР									
	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018
1. Қўшилган қиймат солиғи	64,91	62,73	61,91	60,61	58,23	56,20	54,48	54,06	60,40	76,0
2. Акциз солиғи	9,12	10,66	12,38	15,54	16,24	17,28	17,26	17,26	14,34	4,4
3. Божхона божи	19,33	20,64	20,19	20,55	22,14	23,62	24,92	25,75	22,50	15,8
4. Божхона йиғими	3,86	3,84	3,83	2,27	2,43	2,04	1,84	1,81	2,29	2,8
5. Бошқа тушумлар	2,78	2,13	1,69	1,04	0,96	0,86	1,50	1,13	0,48	1,0
<b>Жами</b>	<b>100,0</b>									

Ушбу истиқбол режаларини ошириб бажаришга қуйидаги омиллар таъсир этган яъни ташқи савдо айланмаси хажмининг кенгайиши, товарларни божхона қийматини тўғри белгиланиши, қўшимча ҳисобланган божхона тўловларини ундирилиши, валюта курсини кўтарилиши ва бошқа омиллар ҳисобига эришилгандир.


Биз қуйида экспорт ва импорт фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар сони акс этган жадвал асосида уларнинг ўзаро корреляцияси кўриб чиқамиз.

**5-жадвал<sup>21</sup>**

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси Божхона кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.  
Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосидв муаллиф томонидан тузилган<sup>21</sup>

## Экспорт ва импорт фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарни сонига корреляцияси тенгламаси

Кўрсаткичлар	2009й	2010й	2011й	2012й	2013й	2014й	2015й	2016й	2017й	2018й
Экспорт билан шуғулланувчи корхоналар сони (x)	1975	2202	2561	2622	2723	2878	3304	3988	4637	5143
Импорт билан шуғулланувчи корхоналар сони (y)	5793	5531	5846	6236	6598	7062	7108	7519	9693	14789



Графикдан кўриниб турибдики, импорт билан шуғулланувчи корхоналар сони билан экспорт билан шуғулланувчи корхоналар сони орасидаги корреляцион боғланиш полином кўринишга эга бўлиб, экспорт билан шуғулланувчи корхоналар сонининг ортиши импорт билан шуғулланувчи корхоналар сонинг ортишига олиб келади. Бу эса иқтисодиётимизнинг ривожланиш қонунияти ва унда олиб борилаётган иқтисодий сиёсат билан чамбарчас боғлиқдир. Бу график бизга республикамиз иқтисодиётимиз ривожланиш қонуниятига ва шу пайтгача олиб борилаётган иқтисодий сиёсатга асосланган ҳолда республикамиздаги экспорт фаолиятининг яқин келажакдаги авҳоли қандай бўлиши ҳақида башорат қилиш имконини беради.

Экспорт фаолиятини ривожлантиришда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотлари ҳам алоҳида ўрин тутаяди.

Ўзбекистонга кириб келаётган импорт маҳсулотларини камайтириш, ички ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган протекционизм сиёсати юритилаётганига қарамай, мамлакатга кирувчи импорт маҳсулотларининг ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда, 2016-2018 йиллар орасида икки баробарга ошиб кетди. Бунга асосий сабаб, тақдим этилаётган имтиёз ва эркинликларнинг ҳам миқдори ортиб боришидир.

Тадқиқотнинг “Ўзбекистонда ташқи савдони тартибга солишда солиқ сиёсатини такомиллаштириш йўналишлари” деб номланган тўртинчи бобида ташқи савдони ривожлантиришда Жаҳон савдо ташкилотига кириш йўналишлари, экспорт-импорт операцияларини солиққа тортишни такомиллаштиришнинг концептуал асосларини, ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда солиқлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар иқтисодий самарадорлигини ошириш йўналишлари каби масалаларни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқилган.

2017-2021 йилларда Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонларидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган янги вазифалардан бири бу Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши юзасидан меъёрий-ҳуқуқий тайёргарликни ва амалий ишларни фаоллаштиришдир.

Бу борада миллий қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) битимларида назарда тутилган нормалар билан ўзаро таққослаш ва мувофиқлаштириш ҳамда халқаро ташкилотлар ва ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорликда ЖСТга аъзо бўлишнинг устунликлари, оқибатларини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда мамлакат учун манфаатли шартларда ҳуқуқий ва институционал ислоҳотларни амалга ошириш бўйича таклифларни назарда тутувчи чора-тадбирлар дастури тайёрланиши кутилмоқда.

Ўзбекистон стратегияси ЖСТга қўшилиш бўйича ўтиш даврида объектив жиҳатдан қарама-қарши бўлиши, ўз ички бозорини импортчилар экспансиясидан имкон қадар максимал ҳимоя қилиши, иқтисодиётни модернизация қилиш ва шу асосда унинг рақобатбардошлигини ошириш учун вақт ютиши лозим.

Бу борада, албатта Ўзбекистон Республикаси ҳам, ўз навбатида, ЖСТга аъзо бўлишнинг ҳуқуқий асосларини яратиб, уларни босқичма-босқич амалга ошириб бориши лозим бўлади.


Ўзбекистон аста-секинлик билан ЖСТга аъзолик мажбуриятларини ўз зиммасига олади. Ушбу халқаро ташкилот томонидан кўзда тутилмаган воситалардан босқичма-босқич воз кеча бошлайди. Бунда миллий иқтисодиётга жиддий фойда келтира олмайдиган воситаларни имкон қадар тезроқ бекор қилиш ва улар зиён келтургунга қадар, таркибий қайта қуришга жиддий ёрдам кўрсатиши мумкин бўлган воситалардан фойдаланишга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ. Шу ўринда, ЖСТ билан музокараларда ҳам Ўзбекистон учун бу давр мобайнида мамлакат фақатгина техник талабларни бажарибгина қолмай, ўзгаришлар учун фойдаланиладиган ташқи савдони тартибга солиш элементларини босқичма-босқич қисқартириши ҳам мумкин бўлган ўтиш даврига эришиш зарур.

Замонавий иқтисодиётда ҳеч бир мамлакат бошқа давлатлардан узуб қўйилган ҳолда ривожланиши ва тараққий этиши мумкин эмас. Фан техниканинг ривожланиши ва меҳнат тақсимооти сабабли ташқи фаолиятнинг

янги кўринишлари пайдо бўлди. Улар ёрдамида давлатлар ўзаро ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишади, бу экспорт-импорт операцияларидир.

Иқтисодий ислохотлар олиб борилаётган бир пайтда, шу жумладан билвосита солиқларнинг молиявий ҳисобини юритиш соҳасида ҳам бир қанча ўзгаришларни амалга оширишни талаб этади. Ўтган даврларга эътибор қаратадиган бўлсак мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликка эришилди, ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ишлаб чиқилди, давлат инвестициялари орқали бир неча йирик ишлаб чиқариш объектлари ишга туширилди, энг муҳими мулкчиликка бўлган муносабат ўзгарди ва мустақил тадбиркорлик фаолияти юритиш асосий ҳаёт кечириш манбаи эканлиги кишилар онгида шаклланиб улгурди. Ҳозирда мамлакатимиз солиқ тизими олдида бозор муносабатларини тўлақонли шакллантириш учун шарт-шароит яратиш билан бир қаторда давлат бюджетининг маблағлар билан таъминлаш ҳамда устивор йўналишдаги иқтисодий фаолиятини солиқлар воситасида қўллаб-қувватлаш ва солиқ сиёсатини такомиллаштириб боришни талаб этилади.

Иқтисодий методларнинг марказий ўринини солиқлар орқали бошқариш эгаллайди. Божхона тўловларини таркибини қуйидаги расм орқали кўришимиз мумкин (3-расм).



**3-расм. Божхона тўловлари таркиби<sup>22</sup>**

Умуман, ташқи савдони тартибга солишда солиқ сиёсатини такомиллаштиришга қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Товарларни республика ички бозорига импорт қилинаётганда ундириладиган божхона йиғимларини фоизда ундирилишини такомиллаштириш яъни фоиздан эмас балки кўрсатилаётган хизматдан

<sup>22</sup> Муаллиф ишланмаси

ундирилиши бўйича амалга оширалаётган ҳатти-ҳаракатларни қўллаб-қувватланиши натижасида божхона йиғимларини кўрсатилган хизматлар учун ундирилиши ва фоизда ундирилиш механизми ҳозирги жаҳон савдо ташкилоти талабларига мос бўлишини таъминлашдир.

2. Мамлакатимизда ташқи савдо операцияларини янада ривожлантириш ва Жаҳон савдо ташкилотига кириш учун қўйилган шартларни ўрганиш асосида акциз солиғи ва импорт товарлардан олинadиган акциз солиғини товар позицияларини бирхиллаштириш натижасида халқаро амалиётдан келиб чиқиб акциз солиғини ва импорт товарлардан олинadиган акциз солиғини товар позицияларини сони бўйича яқинлаштириш ва бу орқали Жаҳон савдо ташкилоти томонидан қўйиладиган талабларни бажариш имконияти пайдо бўлар эди.

3. Мамлакатимиз иқтисодиётини рақобатбардошлигини ошириш мақсадида олиб кириладиган товарлар бўйича божхона тўловларини камайтириш орқали айрим товарларни ички бозорда сотиш нархларини пасайтиришга эришилар эди.

4. Республикамизда соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш учун бериладиган имтиёزلарни мақбуллаштириш, яъни узоқ муддатга берилишини, уларни давомийлигини кўриб чиқиш натижасида давлат бюджетига қўшимча маблағлар жалб этиш имкони туғилар эди.

5. Ташқи савдони солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш, республикани Жаҳон савдо ташкилотига қўшилишига замин яратиш мақсадида божхона таърифлари ставкаларини такомиллаштириш орқали бож ставкаларининг ўртача арифметик ставкаси 15,62% дан 6,45% гача тушишига эришиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

## ХУЛОСА

Тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларни чиқаришга муваффақ бўлинди:

1. Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида республикамиз ташқи иқтисодий фаолиятида самарали ташқи иқтисодий сиёсат олиб борилиши, қатор ижобий натижаларга олиб келди. Экспорт таркибида хом-ашё маҳсулотлари улушининг камайиши ва рақобатбардош тайёр маҳсулотлар улушини ортиб бориши кузатилмоқда. Бугунги кунда жаҳон бозорига хом-ашёларни экспорт қилиш билан чекланиб қолинмасдан, экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар ва хизматларнинг улуши тобора кўпайиб бормоқда.

2. Мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятида эришилган ютуқлар кўп жихатдан ҳукумат томонидан ушбу фаолиятни ривожлантиришга қаратилган қатор чора-тадбирларнинг белгиланиши билан бевосита боғлиқ. Экспорт-импорт операцияларини солиққа тортиш ташқи иқтисодий муносабатларни давлат томонидан тартибга солишнинг самарали ва асосий тариф воситаси ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда ташқи иқтисодий муносабатларни тартибга солишнинг тариф тизимига кўпроқ эътибор қаратилса, ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда тариф ва нотариф усулларининг ҳар иккаласидан фойдаланилсада, тариф тизими устувор аҳамият касб этади. Республикамизда уларнинг ҳар иккаласига ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

3. Экспорт-импорт операцияларини солиққа тортишнинг хорижий тажрибаси ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини қайд этган ҳолда, жаҳон иқтисодиётида тобора интеграциялашув жараёнининг кучайиши ва жамият тараққиётининг ҳозирги ҳолати кўп жихатдан ташқи иқтисодий муносабатларга боғлиқ бўлиб бораётганлигини эътироф этиш лозим. Бу ҳолат айниқса иқтисодий алоқалари чуқур интеграциялашган мамлакатларнинг солиққа тортиш амалиётида яққол намоён бўлмоқда.

4. Республикамизда ЯИМ ва давлат бюджети даромадларининг мунтазам равишда ўсиб бориши билан биргаликда, божхона тўловларининг йилдан йилга ортиб бориши кузатилмоқда. Бу ҳолат, аксарият ҳолларда импорт операцияларини юқори ставкада солиққа тортилаётганлиги билан изоҳланади. Божхона тўловларининг давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги улушини ошириш, мамлакат иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиёти билан интеграциялашувининг кучайишига монанд ҳолда олиб борилиши, ташқи иқтисодий фаолиятда экспорт ҳажмининг ортиб бориши билан мутаносиб равишда ўсиб боришига эришиш мақсадга мувофиқдир.

5. Божхона тўловлари кўпгина солиқлар каби фискал аҳамият касб этиши билан бирга, мамлакат миллий ишлаб чиқарувчиларини ташқи рақобатдан ҳимоя қилади ёки ички бозор учун бирламчи товарларни арзон баҳода импорт қилиниши тартибга солинади. Божхона тўловлари иқтисодий интеграциялашув шароитида алоҳида аҳамият касб этиб, давлатнинг ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солишнинг асосий воситаси ҳисобланади. Жаҳон амалиётида божхона тўловларининг қатор турлари амал қилиб,

уларнинг турлари, ҳажми кўпинча мамлакатнинг ташқи иқтисодий сиёсати, унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

6. Божхона тўловлари классификаторига мувофиқ республикамизда божхона тўловларининг қатор турлари амал қилсада, улар таркибида кўшилган қиймат солиғи, божхона божи ва акциз солиғи муҳим аҳамиятга эга, яъни божхона тўловлари бўйича тушумнинг асосий қисми улар ҳисобига тўғри келмоқда.

7. Республикамизнинг ЖСТга кириши учун, унинг талабларидан келиб чиқиб ва миллий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда, экспорт-импорт операцияларини солиққа тортишнинг амалдаги механизмини такомиллаштириш талаб этилади. Бу жараёнда, дастлаб, бож ставкалари ва имтиёзларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

8. Божхона тўловлари бўйича кенг тизимли имтиёзларнинг айрим соҳалар учун тақдим этилиши ва асосий истеъмолчиларга юқори бож тўловларининг белгиланиши, жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Шунинг билан бирга уларнинг кўпчилиги айрим соҳаларга, ташқи иқтисодий фаолиятнинг алоҳида иштирокчиларига берилган. Божхона тўловлари бўйича кўплаб солиқ имтиёзларининг тақдим этилиши натижасида бюджет даромадларини шакллантиришга жиддий зарар етказилмоқда.

9. Мамлакатда экспортёр корхоналар учун қатор солиқ турлари бўйича имтиёзларнинг кенг тизимини жорий этилиши натижасида экспортёр корхоналар сонни ошишга эришилмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш дастурларини, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантиришда экспорт қилувчи корхоналар фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантириш ва янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Бозор иқтисодиёти такомиллашиб бораётган ва иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида ташқи иқтисодий фаолиятни қўллаб қувватлашда, ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришда, инвестициялар, илмий текширув ва тажриба конструкторлик ишларини рағбатлантириш ва тартибга солишда давлат томонидан солиқ тизимини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Солиқ тизимини такомиллаштириб боришнинг хорижий мамлакатлар тажрибасида уларда солиқ ставкаларининг қўлланиш механизмидан фойдаланиш, солиқларни тўлиқ ва ўз вақтида келиб тушишини назорат қилиш тажрибаларини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Экспорт-импорт операцияларини солиқлар орқали тартибга солиш бир қатор иқтисодий чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади. Солиқ ставкаларини ўзгартириш (ошириш ёки камайтириш), уларни ундириш тартибини ўзгартириш, имтиёзлар берилиш тартибини ўзгартириш, санкциялар ва жарималарни ундириш жараёнлари билан боғлиқ.

Ҳозирда мамлакатимиз солиқ тизими олдида бозор муносабатларини тўлақонли шакллантириш учун шарт-шароит яратиш билан бир қаторда

давлат бюджетининг маблағлар билан таъминлаш ҳамда устивор йўналишдаги иқтисодий фаолиятни солиқлар воситасида қўллаб-қувватлаш ва солиқ сиёсатини такомиллашиб боришини талаб этилади.

Биз юқорида чиқарган хулоса ҳамда ишлаб чиқилган илмий-амалий таклифлар ва тавсияларнинг миллий иқтисодиётга жорий этилиши ташқи иқтисодий муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилиши билан бирга, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига муносиб ҳисса қўшади.

Шунингдек, мазкур соҳадаги муаммолар кўлами қисқариб, экспорт-импорт операцияларини солиққа тортиш тизими давр талабига монанд ривожланиш такомиллашиш хусусиятига эга бўлади.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 27.06.2019.1.17.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
ТАШКЕНТСКОМ ФИНАНСОВОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ФИНАНСОВЫЙ ИНСТИТУТ**

**ШАРИПОВ ФАРХОД ГОЙИБОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ НАЛОГОВОЙ ПОЛИТИКИ В  
РЕГУЛИРОВАНИИ ВНЕШНЕЙ ТОРГОВЛИ В УЗБЕКИСТАНЕ**

**08.00.07 – Финансы, денежное обращение и кредит**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ (DSc)  
ДОКТОРА ЭКОНОМИЧЕСКИХ НАУК**

**Ташкент – 2019**

**Тема докторской диссертации (DSc) доктора экономических наук зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № V2018.1DSc/iq131.**

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском финансовом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) и Информационном образовательном портале "Ziyonet" ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный консультант:** **Жураев Абдугаффор Сафарович,**  
доктор экономических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Олимжонов Одил Олимович,**  
доктор экономических наук, профессор

**Тошматов Шухрат Амонович,**  
доктор экономических наук, профессор

**Худайкулов Садриддин Каримович,**  
доктор экономических наук, профессор

**Ведущая организация:** **Министерство экономики и промышленности  
Республики Узбекистан**

Защита докторской диссертации состоится « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2019 года в \_\_\_\_ часов на заседании Научного Совета DSc 27.06.2019.1.17.01 при Ташкентском финансовом институте. Адрес: 100000, г.Ташкент, Алмазарский район, проспект Амира Темура 60 «А». Тел./факс: (+99871) 234-53-34, факс (+99871) 234-46-26, e-mail: admin@tfi.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского финансового института (зарегистрирована за № \_\_\_\_). Адрес: 100000, г.Ташкент, Алмазарский район, проспект Амира Темура 60 «А». Тел/факс: (+99871) 234-53-34, факс (+99871) 234-46-26, e-mail: admin@tfi.uz.

Автореферат диссертации разослан « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2019 г.

(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_ от « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2019 г.).

**И.Н.Кузиев,**  
председатель Научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
д.э.н., профессор

**С.У.Мехмонов,**  
секретарь Научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
д.э.н., профессор

**Ж.И.Каримкулов,**  
председателя научного семинара при  
Научном совете по присуждению ученых степеней,  
к.э.н., доцент

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире в условиях интеграции экономики стран одной из актуальных проблем является дальнейшее совершенствование механизма государственной поддержки и регулирования развития внешнеторговой деятельности посредством налогообложения. В настоящее время страны регулируют внешнюю торговлю, используя инструменты налогового и таможенного регулирования, исходя из своих внутренних интересов. Опыт экономически развитых стран, таких как США, ЕС, Японии, динамично развивающихся Китая, Южной Кореи и др.<sup>23</sup>, показывает эффективность использования международных методов бухгалтерского учета в регулировании внешней торговли в развитии национальной экономики.

В мире в ведущих международных финансовых институтах, исследовательских центрах и развитых странах особое внимание уделяется совершенствованию теоретических и методологических основ механизмов налогообложения экспортно-импортных операций. В результате данного исследования были улучшены вопросы налогообложения субъектов внешней торговли, методы изучения, оценки, прогнозирования влияния налогов на финансово-хозяйственную деятельность. Однако из-за различий в странах мира регулировании внешней торговли через налоги, текущие результаты на международном уровне не полностью реализованы.

В Узбекистане в результате интенсивно осуществляемых экономических реформ, включая регулирование внешней торговли, в настоящее время реализуется программа поддержки импорт замещения и экспорт ориентированного производства. Налоги обеспечили создание благоприятной налоговой среды для субъектов предпринимательства. В целях дальнейшей либерализации внешнеэкономической деятельности проводится последовательная политика, направленная на ускорение привлечения иностранных инвестиций в приоритетные области, предоставление им гарантий и привилегий, приобретение лицензий, ноу-хау и увеличение валютных поступлений.

В Узбекистане уделяется особое внимание ускоренному развитию внешней торговли, в частности: «... стремимся увеличить экспорт на 30% до 18 миллиардов долларов в следующем году<sup>24</sup>; должны перейти к экспортно-ориентированной экономике, создать конкурентную среду на внутреннем рынке ...». Улучшение транспортной системы также является актуальной проблемой. Из-за территориально ограниченного доступа к морю существует много трудностей при экспорте товаров. В тоже время это свидетельствует о важности последовательного снижения налоговой нагрузки, упрощения

---

<sup>23</sup> Источник: <http://www.wto.org>

